Эълон: Кимё соҳасида магистратура учун тўлиқ грант!

// 23.09.2025
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/elon-kimyo-sohasida-magistratura-uchun-tuliq-grant



Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва "Ўзкимёсаноат" АЖ магистратура (1 та ўрин) йўналишида барча харажатлар қопланган ҳолда Жанубий Кореянинг етакчи университетларидан бирида таҳсил олиш учун танлов эълон қилади!

- Барча харажатлар қопланади (шартнома, турар жой, авиачипта ва стипендия);
- Илғор илмий лабораторияларда тадқиқот олиб бориш имконияти;
- Халқаро даражадаги илмий тажриба ва инновацион билимлар;
- Ташкилот томонидан кафолатланган иш ўрни.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаган иштирокчилар янги ташкил этилаётган Корея-Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти – Кимё технология инновация марказида фаолиятларини давом эттириш имкониятига эга бўладилар.

- **Ҳужжатларни онлайн топшириш учун:**

  https://apply.ust.ac.kr/common/setlocale

- **Ҳужжатларни қабул қилиш муддати:**

  2025-йил 22-сентябрдан 16-октябрга қадар

Телефон: (+998) 77 497-11-20
E-mail: : empark@krict.re.kr u.tillabaeva@uks.uz